

ОИЛА ЖАМГАРМАСИ

ВА

عائله و جمیعت

28
СОН

ПАЙШАНБА КУНПАРИ ЧИҚАДИ

1995 йил 3—10 август

Баҳоси эркин нарҳда



ДҮСТОНА МУНОСАБАТПАР РАВНАҚИ

Россия Федерацииси хукумати Раиси В. С. Черномирдин 26-29 июль кунлари расмий ташриф билан Республикаимизда бўлди.

Ташриф самимий, амалий вазиятда ўтди. Томонлар унинг натижаларидан мамнун эканликларини, бу учрашув иккала мамлакат ва халқлар ўртасидаги анъанавий дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончларини баён этдилар.

ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

28 июль куни пойтахтимиздаги «Туркистон» сароидаги Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг таъсис қурултойи бўлди. Унда республика тиҷорат банкларидан 600 нафарга яқин делегат, халқаро молия ташкилларни ҳамда хорижий банкларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари қатнашди.

7 ОЙДА БИТГАН КЎПРИК

Тошкентнинг Яккасарой ва Чилонзор туманларини бирлаштирадиган янги кўпrik пойтахтдаги энг чиройли иншоотлардан бири бўлуди. Бу кўпrik 1947 йилда Бўржар ариги устига қўрилган олдингина кўприқдан тўрт баравар кенгdir. 40 метрлик бу иншоот автомобилларнинг узлуксиз қатновини таъминлади, айни пайтда пиёдаларнинг ўтиши ҳам хавфсиз бўлади.

Кўпrik жуда қисқа муддатда — икки йил ўрнига 7 ой ичida куриб битказилди. Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллиги шараfiga тошкентликлар учун бу ўзига хос меҳнат совғасини бошпуратчи — «Ўзбектранскурилиш» бошчилигидаги қурувчилар тайёрлаши.

ИСРОФГАРЧИЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Наманганда ҳўл мева ва сабзавотлар билан савдо қилювчи ярмарка ташкил қилинди. Бу ерда кунига 1,5 минг тонна сабзавот ва ҳўл мева сотиляти. Нархи бозордагидан анча арzon. Наманган консерва заводида одатдагидан уч ҳафта илгари по-мидор консерваси тайёрлашга киришилди. Тўракурғондаги «Шириналик» комбинатида иш икки сменада ташкил қилинган — бу ерда ўрик, пиёз, сабзи, карам қуритиш ишлари авжиди.

ЯНГИ ГУЗАР

Андижон вилоятининг Булокбоши туманиннадаги Сарбонтепа қишлоғига янги гузар курилди. У савдо, маиший хизмат корхоналари, соғлиқни сақлаш муассасалари жойлашган ўзига хос жамоатчилик марказидир. Янги гузар маҳаллий тадбиркор Валижон Отаконовнинг ташабуси билан вуждга келди.

ЎзА ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди

ИНСОННИЯТНИНГ УМРИ ҚАНЧА?

Ажабо!

Замондош олим С. И. Барашнинг тахминича, инсон пайдо бўлганига 370 минг йил бўлган. У бундай холосага келишида бир қанча илмий манба ва фалакиёт механикаси қонунларига таянган. Тиниб-тинчимас олим шу билангина чегараланиб қолмай, инсониятнинг охирати ҳақида ҳам мунозарали фикрларни ўртага ташлади. Олимнинг фикрича, ернинг геометрик, астрономик, физик ва бошқа параметрлари ҳар 400 минг йилда бир-бирига тўқнаш келади. Бу тўқнашув эса катта фожиа билан, ер планетасининг батамом ҳалокати билан тугаркан.

Замонавий илм-фанинг, тадқиқотларнинг кўрсатишича, худди шундай ҳалокат 370 минг йил муқаддам юз берган. Демак, бундан инсоният умрининг интиҳосига бор-йўғи 30 минг йил қолганда, деган холоса келиб чиқади. Олимнинг бу холосаси кўпчилликни тушкун кайфиятига солиши табиий. Лекин бу борадаги изланишлар, тадқиқотлар ҳали тўхтаганича ўйқ.

А. САФАРОВ



Тоғлар чорлайди

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

- Қалdirgoч
- Ўлимни хотирлаш
- «Хожи хандон» — биринчи учрашув

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ТИЖОРАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ЭЪТИБОРИГА!

«Оила ва жамият» газетаси мухлисларга бой оиласви ҳафтаси газетадир. Шунинг учун реклама ва эълонлар ҳамда билдирувларингизни «Оила ва жамият»да чоп этсангиз, тезда ҳожатингиз амалга ошиши мумкин.

Реклама ва эълонлар энг арzon келишилган нархларда қабул қилинади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-бино. ин: 700078 «Оила ва жамият» газетаси.

Телефонлар:
Бош мұхаррир 39-48-73,
хатлар ва эълонлар бўлими 39-43-95

• Муассисларимиз фаолиятидан

«ФАҚАТ ЯХШИЛИК ҚОЛАДИ»

Ҳозирги кунда «Соғлом авлод учун» халқаро жамгармаси ҳақида эшитмаган, унинг фаолияти борасида билмаган одам топилмаса керак. Бу жамгарма олиб бораётган кенг қаррошли ишлар ҳар жиҳатдан диккатта сазовор. Бунга яна бир бор амин булиш мақсадида мазкур жамгарманинг Андикон вилояти булими директори Ўқтамжон АҲМАДЖОНОВ билан сұхбатлашды.

— Ўқтамжон ака, шу күнгәча амалга оширган ишларинингин әнг асосийлари нималардан иборат бўлди?

— Биз асосан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш билан шугулланамиз. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 декабрда чиқарган 589-сонли қарори биз учун дастурламал бўлмода.

Дастлаб жамгарманизнинг туманлардаги таянч пунктларини ташкил этиши билан машгул бўлдик. Ҳозиргача вилоятимизда 19 таянч пункти фаолият кўрсатмокда. Биз уларга йўл-йўриклир, услубий ёрдамлар бебри турамиз.

— Жамгарма ишини ривожлантириш бўйича ўз дастурларингиз ҳам бўлса керак?

— Ха, албатта. Вилоятимизда соғлом авлодни тарбиялаш юзасидан комплекс дастур ишлаб чиқсанмиз. Ишларимизни шу асосда олиб борамиз.

Уттан йили «Экосан» саломатлик автолоҳида ташкил қилиниб, Ҳужаобод туманинг узида 500 дона бир маротаба ишлап тилдиган тиббиёт иғнаси, 5 хил дори-дар-

мон болаларга бепул тарқатилди. Бу йил халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни 3,5 минг сўмлик уйинчоқлар вилоятимиз болаларига совға тариқасида тақдим этилди. Республика бошқаруви томонидан юборилган озиқовқат маҳсулотлари— «Кичкинтой» қуруқ сутидан 2,5 тонна, «Олварт» пьюресидан 1850 дона, «Алмирон» тайёр сут маҳсулотидан 2300 шишиаси ва 14 хил дори-дармон болалар шифохоналари ҳамда болалар ўйларига тарқатиди.

Бундан ташкиари, жамгарма қошида оналар ва болалар учун имтиёзли хизмат қиласидаги дорихоналар, дўконлар ҳам ташкил қилимоқдамиш.


Олиб бораётган ишларимизда ҳокимликнинг хизматлари бекиёс. Уларнинг ёрдами туфайли Республикада биринчилардан бўлиб барча туманларимизда таянч пунктлари ташкил этилди. Энг катта дорихоналардан бирини бизга олиб беришиб. Мана бу сиз кўриб турган чиройли биномиз ҳам ҳокимликнинг химмати туфайли бўлди. Уни таъмирилаш учун 50 минг сўм пул ажратиўди. Шахсан вилоят ҳокимининг қарори билан 10 кунлик маблаг туپлаш муддати ўзлон қилинди, савобталаблар баҳоли қурдат ёрдам беришиб.

— Миллатимиз баркамоллигини нималарда кўрасиз?

— Энг аввали ҳомиладор оналарни эҳтиётлаш зарур. Зоро, аёл миллатнинг бошидир.

— Сұхбатингиз учун раҳмат.

Набижон ЖАЛОЛОВ сұхбатлашди



Макс ФРИШ:

• Үзингизни биласизми?

СҰРОВ ҚОҒОЗИ

● 1. Сиз учун никоҳ ҳали ҳам муаммолими?

● 2. Никоҳ қай вақтда икror қиласиди: бошқа бироннинг мисолидами ёки кишининг узида?

● 3. Бошқаларга кўпроқ нима маслаҳат бергансиз:

а) ажralиб кетишними?

б) ажralmasliknimi?

● 4. Эркакнинг ёки аёлнинг, еҳуд ҳар иккala томоннинг қалбларила дөг қолдирмайдиган даражадаги ярашишга гувоҳ бўлганимиз?

● 5. Кўнгилли никоҳ қандай муаммоларни бартараф этади?

● 6. Уртача олганда, қанча вақтдан бери ўз вижлонингизга хилоф иш килмай, яъни жуфтингизнинг кунглига гулгула соладиган ўйни хаёлнингиздан чиқариб ташлаб яшаётirиз?

● 7. Ажralиш ҳақида ўйлай туриб, нега сиз айбни үзингиздан ёки жуфтингиздан кидиравиз?

● 8. Сиз үзингиз никоҳни ўйлаб топармидингиз?

● 9. Ўйлангач, ҳар хил одатларга кўнишиб кетдингизми? Кўниколмаган бўлсангиз жуфтингизни бу одатларга кўнишкан, деб хисоблайсизми: нима учун шундай хуласага келдингиз?

● 10. Қай пайтлари ўйланганингиз гашингиши/келтиради:

а) кунданлик турмушдами?

б) саёҳатдами?

в) ёғизлиқдами?

г) жамоат орасидами?

д) юзма-юз утиргандами?

е) кечасими?

ж) кундузими?

● 11. Ҳар иккала томонга мос —

умумий дид никоҳда ҳосил бўладими (келин-куёв уйини жиҳозлашни қандай тасаввур қилиш мумкин), ёки ҳар талчирик, гилам, қандил, рўзгор буюмланинг ҳарид қилиш чоридами? Сиз осонлики билан буйин берасизми?

● 12. Агар фарзандлариниз бўлса: сиз үзингизни улар олдилла гуноҳкор хис этасизми, қачонки иш ажralishiga бориб етганда, яъни болаларнинг пешонасига бебахт ота-она битилган деб хисоблайсизми? Шундай бўлса: бу ҳол неча ёндан болалар тақдирда кечади?

● 13. Турмуш қуришга аҳдлашишга сизни нима мажбур қилди:

а) имонли булини эҳтиёжими?

б) фарзандми?

в) гайриқонуний муносабатларнинг ижтимоий қалтислигими, меҳмонхоналарда яшашининг қийинлигими, гийбат, ёлғон-яшик талларнинг жонга текканими, бетамизликни куравериш оқибатидами, маъмурият ёки қўшинилар билан орада гап қочтани туфайлими?

г) ур-одатларми?

д) уй-рўзгор ишларини сингиллатиш учунми?

е) тартибли оилавий ҳаётта ҳурматими?

ж) гайриқонуний алоқалар одат туслига айланиси қолиши, тинка-мадорни куритиши, маъниисизлик каби ҳолларга дучор этишини билганингиз, бошингиздан кечирганингиз туфайлими?

з) мерос қолдириши ниятими?

и) мўъжизадан умидворликми?

к) бу — соф расмиятчилик, деган фикрми?

(Давоми бор)

• Панжара

ҲАР КИМКИ ЁМОН БЎЛСА...

Сўнгги йилларда наркотик моддаларни истеъмол қилувчи, уйида сақловчиларга нисбатан шафқатсиз кураш олиб борилмоқда. «Нарпай» жамоа ҳўжалиги ҳудудидаги постда сергак турган вилоят ДАН ходимлари тунги соат иккиларда 81-56 СИЛ рақамли «КАМАЗ» автомашинасини тұхтатиб, ҳайдовчи Б. Абдуллаевни текшириб куришганда, унинг ён чўнтағидан 92 грамм наркотик модда топилди. У суд ҳўкми билан бир йилга озодликдан маҳрум этилди.

32 ёшли Равшан Ҳасанов илгари тўрт марта судланган бўлсада, тавбасига таянмаганлардан. Кармана шаҳридаги «Шарқ» қаҳвахонаси ёнида гумондор тариқасида унинг чўнтағи тин-тиб кўрилганда «Опий» наркотик моддаси борлиги маълум бўлди. Р. Ҳасановга яна иккйил қамоқ жазоси тайинланди.

Дўрмонлик Ўтири Найимов ҳам илгари судланган бўлсада, бундан тўғри ҳолоса чиқариб олмаган экан. Унинг уйидаги диван тагидан милиция ходимлари 127,3 грамм марихуана тоғиб олишибди. У. Найимов ўзини оқлаш учун ҳар қанча уринмасин, фойдаси бўлмади. Энди у иккйил давомида панжара ортида «дам оладиган» бўлди.

Ҳа, шоир айтганидек: «Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир».

**Немат МАНСУРОВ,
Навоий тумани прокурори**

• Рейтинг

БИЛЕТ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Америкада оилавий бўлиб футбол матчиға бориши учун тўрт бора қўлланиладиган, алоҳида имтиёзга эга билет бўюртма қилиш мумкин экан. Бу билетнинг баҳоси эса уртача 151,55 доллар бўлиб, билет соҳиблари стадионда үзларининг доимий жойларига эга бўлиши ва фут bolt матчи давомидага бепул оқат ва сувенирлардан фойдаланиси мумкин. Агардан Американинг кўзга кўринган стадионларида бу кўрсаткичининг қанчалиги билан қизиқаётган бўлсангиз, марҳамат...

Сан Франциско — 197,50 доллар
Доллас Ковбойс — 184,33 доллар
Вашингтон Редскинс — 181,50 доллар
Канзас Сити Чифс — 127,83 доллар
Детройт Лайонс — 125,17 доллар
Сан Диего Чаржерс — 124,67 доллар

ЯХШИПИК ҚИЛ-У ДАРЁГА ТАШЛА, БАПИҚ БИЛУР, БАПИҚ БИЛМАСА, ХОЛИК...

Баъзи одамларни кўриб, баҳри дилингиз очилади. Хали мулокотта киришмай туриб меҳрингиз тушади. Халқимиз бундай кишиларни "Юзидан нур ёғилиди", "Изда баҳор кезади" дега таърифлайди. Субхатлашган биласизки, бундай инсонларнинг кўнгли эзгу, гузал туййулар ватани экан, юзидаги нур, изидаги баҳорлар кўркли кўнглининг суврати. Эътиборингизга ҳавола қилаётган саҳифасиз ани шундай кўркли кўнгил эталари хакида. Биз ийлар синовидан ўтган ривоятлар, ҳикоялар, ҳаётӣ кечинималарнинг шундай ўзиниң отаяпмиз, мулоҳада, мунозаарларни очиқ колдирағимиз.

РИВОЯТ

Ривоят килишларича, бир оила соҳиби суйгунчак бўлган чакалоги билан жуфти ҳалолини ўткичини ҳавасга алмаштирибди, ўз азизларини йиглатиб, ўзгин азиз билоб, ўйидан чиқиб кетибди. Хиёнаттаги дуч келган аёл қососи ёмон бўлади, дейдилар. Касос аёлдаги оналик меҳрингин кўзларига тупроқ сочибди: меҳр сўқир бўлиди. Чакалогини тирноқка зор бир қўшнисига ташлаб, эрига қасдма-қаса унинг йўлини тутибди: шу кишилодка бир хордик учун тинган карвоннинг бошчисига илашиб, у-да йўлга равона бўлибди. Орадан анча муддат кечибди. Аёл гарчи меҳр-муҳаббат, бойлик куршовида тўкис ҳаёт ўтказса-да, дили коронги экан. Тушларида гўдаги йиглаб чорларкан. Фарзанд согиниги вужудини кўйдирган аёл тобора сўлибди: охири тақдирга тан бериб юргита қайтибди. Аммо қўшнисига рўпера бўлгани юраги дов бермай, кишлак оқсоколи олдига бориб, тавба-тазарру қилибди, дилбандини кайтариб олишга кўмак берини ўтнибди. Оқсоқол ўз жасоси ўзида бўлган бу адашган бандага каттига сўзлар айттиси келса-да, жаҳлни босиб, унинг қўшнисини хузурига чорлабди:

— Синглим, дебди оқсоқол кўришиш-сўрашишлардан сўнг, — мен сизларнинг илк ахду паймонарингда йўқ эдим, энди арапашувим ўзи бирор ножиз...

— Хеч қандай шартлашув бўлмаган, бу киши "Олинг, шу болани, мени бир гуноҳдан ҳолос қилинг", деган, олганман, — дебди қўши аёл. Буниси бош қимирлатиб тасдиқлаган:

— Бирингиз бокъян онаси, бирингиз — тўқсан. Қозилик Оллоҳга хос. Мен холис элчи, — дебди оқсоқол. Қўши аёл анча муддат жим қолиби: қароғларида ёш ҳалқаланибди, товушни титрабди.

— Мен болани ёлғиз Яратган сўраса ноилож бериш мумкин, аммо..... башкага...

— Йўқ, демант, чўрингиз бўйай, эшигингизни сочларим билан супурай, диллорамни қайтиб беринг... — яли-

нишга тушибди аёл. Қўши узок сукут саклабди, аёл унинг оёкларига ётиб ёвлориди.

— Болам яҳши-ёмонни ажратадиган бўлиб қолган, сизни қабул қиласиди, йўқми, бўлмайман... Майли, бир уриниб кўринг, агар кони тортиб, Сизни қабул қиласа, ... мен оларалинганди чиқаман, — дебди ниҳоят қўши аёл.

— Яҳшилигингизни ҳеч қачон унутмасман, мана буарни олинг... Аёл қўли, бармоқлари, бўйиниларидағи киммат баҳо зийнатларни шоша-пиша ечиб қўшнисининг эта-

тига ташлабди.

— Сиз "болнами бокиб менга яҳшилил килдингиз", деб ўйлаб мени сийламоки бўлаяпиз. Аслида мен ўйдагимга оналик қилиб ўзимга яҳшилил килдим. Мен уни севиб, эркалаб дунёдаги барча муҳаббатдан баланд бир муҳаббат билан бойидим: она деган ўзин улуг унвонга мусясар бўлдим. Фарзандимга ёмонлик бўлиб кайтасин, деб бирорни ранжитишдан кўрдим. Касти боламга урмасин деб ҳаромдан нари юрдим. Шу гўдак бўлмасига шунча яҳшилини менга кими берарди. Ноалигимнинг азоблари болдай ширин, мен бу кунларнинг ҳар даққасини минг тиллога алмасмасман, — дебди қўши аёл этигадиги зийнатларга киё ҳам бокмак.

... Алқисса, бола ўз онасини қабул қилганни, йўқми, буниси мумкин эмас, мухими эззулгунинг офтоби ўзлардан аввал ўз эгасининг қалбини иситар экан. "Яҳшилил қилиб нима кўрдим?" — дегувчи бўлса, бу гапдан гумонланинг...

КАЙТА УЧРАШУВ

— Тўхтанг, синглим, исмининг Гулсанам-а? Ўқишига кириб кетибсиз-да?

— Вой, үқишини тугатяпман-ку. Исмимни қаердан биласиз?

— Мени танимадингизми? Фаргонага биринчи келган кунингиз эсингизда йўқми?

— Э, кеъириас, Тоҳир акасиз-да. Ўзгариб кетибсиз, шунга танимабман...

— Сиз кўпроқ ўзгаргансиз, лекин дарров танидим, чунки Сизнинг менга қилган яҳшилигингизни унтиб бўлармиди?

— Кинон киляпиз-а, Тоҳир ака, "Сизга одамгарчилик килдим, кечаси автобус бекатида ёлиз қолиб, қайта боришингизни билмай йиглаб ўтирганингизда ўйимга олиб кетдим. Сиз бўлса, мана, ўқишига кирибсиз, неча байрам, ҳайит ўтди, бир марта "куллук" деб кўймадингиз, деган гинангиз бўлса керак-да...

— Кўйсангиз-чи, Гулсанам...

— Гина кишига ҳақлисиз, ўшанда Сизнинг ўрнингизда бир ёмон ниятида одамга дуч келсан нима бўларди... Энди бўлсан, шаҳар деган мен ўйлагандан кўра бошқарочароқ экан. Кўп бор сизнинг олдингизга бориб, миннатдорчилар билдириб келишини ўладим... Яна "Бу киз нега ўралашпайти?" дейсизми деган андишага бордим...

— Йўқ, рости, Сизнинг қилган яҳшилигингиз менинидан катта, тушунмайпизми? Хозир тушунтираман. Энди кўркмай айтаверсан бўлади, юринг сал четроққа ўтайдик, кўёла бора ўйки, ишклиб, муштлашиб қолмайлик. Гулсанам, сиз мени ўша шоҳбекатда учраттанингизда қамоқдан чиққанимга роппа-роса олти ой бўлган эди. олти ой кайси эшикка борсан, бошим деворга тегди. Ҳатто, мени — сагир жиёнини амаким ҳам уйига сидигиромлади, келинойим "қамоқдан чиққан, болаларимнинг тарбиясига ёмон таъсир килиди" деб амакимга дийдие килганини ёшишиб, уларнига ҳам ботиниб бора олмадим, охири эски оғайниларга қўшилиб кечаси юра бўшлаган эдим. "Менинг пешонанга асли ёмон, бадъфель, яна алламалор деб ёзим кўйган бўлса керак, ҳамма га балодай кўринаман", деган қарорга келган эдим, чинакамига ёмон бўлмоқчи эдим. Шундан Сиз учрадингиз, ҳозиргидай эсимида: катта жомадонингизнинг устиди ҳар шарларга алланглаб қараб ўтирган экансиз, қўзингиз тўла ёш...

— Одам кечасиям кўп бўлса керак, деб автобус шоҳбекатида тушибман-да, ё Маргилонда ўтиравермабман тонг оттунча, тезори бора қолай, дегандирман-да...

— Мени кўрибок белингизни сийпаладингиз, "Пули белида экан" деб ўладим. Туриш-турмушингизни олисдан келганингиз шундук билиниб турарди: фижим кийимлар...

— Ака, институтнинг қаерда эканлигини кўрсатиб "Кўя олмайсизми?" — дедингиз, ҳа, айнан шундук дедингиз. Болалигимда синглим "ака" дерди, элас-элас овошини эслайман. Ўша пайтда кўзимга ўши келди. Мен ҳам ҳамма одамга ўшшар эканман-ку, мана бу қизча "ака" деди-ку... Сизни отамдан қолган қаровисиз, ўт-уланлари говлаб ётган кубалга бошлаб кетаялман-у... катта-катта "Мен ҳам барча одамларга ўшшар эканман..." деб тақрорлардим. Айттан сайн ингиллаштаётандай бўлардим...

— Кизик, китоблардагида...

— Сиз мэндан заррача кўркмадингиз, кун ёйилиб кетгунча ухладингиз. Сизни институтга олиб бориб кўйдим-у... "Ўлсам ҳам, очдан ўлсам ҳам ўрилини қилмайман" деб қасос ичдим. Аввал мардикорлик қилиб юрдим, сўнг бир оғайнилар билан бир йил чўлда дехончилик килдим, яна келдим. Чўйнинг тавсияси билан ишга кирдим, ўйландим, хозир хөвлимин кўрсангиз танимайсиз...

— Вой, Тоҳир ака-ей, шунча таплар ўтибди-ю... мен бехабар...

— Мен Сизни бир марта кўрсам, "Ака" деган бир оғиз сўзининг кудрати ҳақида гапириб берсам, деб юрардим...

— Гап, бало, факат шу сўзда эмасдир... Асли ёмон одам эмасдирсиз,... тоати ҳаммадан ўтиши мумкин...

— Тўғри, инсон боласи бир яҳши гапнинг гадоси бўларкан-да...

— Ўзингиз ҳам муаллим бўлиб кетибсиз...

— Хотиним муаллим-да, яҳшиси уйга юринг, Гулса-

ном, келинойингиз Сизни билади, жуда ажойиб аёл...

— Бораман, Тоҳир ака, албатта бораман, факат бошқа кун, ўртоқларим билан бемалол бўлиб...

— Мана, адрес, у томонлар ўзгариб кетган, адресни ўйқотиб кўйман...

— Ўқотмайман, насиб қилса, энди бир-биримизни ўйқотмаймиз.

— Шундай бўлсин, синглим, ахир, ахтаргандар бирининг доим топавермайди-ку...

ТАСОДИФЛАРДА ҚОНУНИЯТ БОР

Кутилмаганда тиланчи аёлга кўзи туши: ёнида гўдаги, "Лўйларнинг бойи ҳам эрмакка тиланчилик қиласи". Каердади эшитган гапи ёдига келди. Бор-йўк пулни эрталаб кизига берган эди: нимадир олмокчи экан. Тушникка атаган 25 суми бор, холос. Машиз эртага тегади. У типланнинг ёнидан ўтиб кетаётib қўз кирини ташлади: "Ким бўлсаня аёл киши... тушлик-чи". Тараддулди, бир-икки қадам юрди, гўдак нимадир дегандай бўлди: овози шикаст... Шарта изига кайти, аёлнинг олдиаги ёйик рўмолга пулини ташлади-да, тез-тоз юрди кетди.

...Катта йўлга чиқиб, йўлакта ўтди. Шундак оёқ остида пул... 50 рақами нур тушип ялтирайди. Этилиб олди, у ёк, бу ёғига қарди, анча турди, кути, ҳеч ким изига кайтимди. Пулни олиб, фалати бир киссийет куршовида йўлтини давом эттири... ***

Аксига олиб, йўлда автобуслари бузилиб қолди. Анча оворагарчиликдан сўнг элақага келди, яна бир ишлак чиқмасин деб қолган ўйлени секин-секин босишид. Хуллас, эр-хотин ўйга кириб келишгандо коронгу тушган эди. Улар ҳали кийимларини алмаштириб улгурмай эшик жиринглади: очишиш, қашқадарёлик меҳмонлар.

— Э, келинглар, келинглар...

— Бир ёқка отланаётгандиларинг? Бевақт келдикми, дейман?

— Бевакт нимаси? Жуда вақтида келдиларинг, ҳозир дам олишдан келган эди...

Эркак мезбон дарров меҳмонга қўшилиб ёнбош ташлади. Аёл эса чой-кой кўйб, дастурхон ёзаркан, хаёлдида минг андиша чарх уради:

"Кетиданда рўзгорни яланчоғлаб кетганиман, келгунчизда айниб кетади, деб. Нон-ку дўёндана бордир, жизбизга қўшнимса-қўшни юраманим? Бозор бир кўчлик йўл, меҳмонни ташлада бозорга кетиш ҳам нурин. Айтмайнетмай келвашеришган-чи, буларнинг". Шундай ўйлади ю, ўйидан ўзи ялиб кетди: "Тўкинчилик замонда ичим торлигини қаран, ўзинг кеъиригинг, одам бор ўйга одам келади-да, меҳмондан айирмагин, илоҳим...". Яна эшик жиринглади. Бу гал юргириб бориб очди, қанча меҳмон келса ҳам кутишга тайёрдек эди, аммо остононда қўшни турарди: бир кўлида тоғора, бир кўлида катта рўзғор сумукси:

— Эсон-омон дам олиб қайдиларингизми, қўшним, жуда соғинтириб юбордиларинг-ку, мунча кеч қолдипаринг. Кизингиз билан кўвингиз роса кутиб ўтириши. "Соат фалонда келишлари керак", деб, ахийри олиб келгандарни колдирни кетишиди, мана...

— Киринг, ўйда меҳмонлар бор, киринг, — аёл ўз овозини ўзи танимади: кувонч одамнинг овозини ҳам ўзгаририб юбораркан.

— Рахмат, киравман... меҳмоннинг ризки экан-да.

— Аёл қўшнисидан тогорани олар экан, димогига гуллаб зира ҳиди урилди...

БАЛКИ ЧИН, БАЛКИ...

Тақдир очиқ чехрали, оиласи тинч бир одам билан кўзлари гилай, якка ёлғиз яшайдиган яна бир одамни рўпарама-рўпара кўшилини қилибди. Улар ҳеч қачон чиқишло мас, тез-тез қозилишни тиришаркан. Қози ким кўрпак гунохкор эклангизни ич-ичидан хис қисла ҳам, "хис-сияти" берилаб адаимиайн, ҳукмда тайёр тўйға эмас, далил ҳал қилувчи кучдир", деб ўйлабди. Ўзича бир йўл топиб, уларнинг иккенинг ҳам ани киёфасини кўрсатмоқни бўлибди. Бир тунда оплок либосга ўраниб, ҳасса тајиғиб, аввалинг тарбияни ўзини кирибди. Ширин йўкда экан, ҳассаси билан туртиб ўйготибди:

— Эй, банда, гафлат ўйқисидан уйғон, назарим шу муборак фурсадат сенга тушди. Бир тилак, бир истак айтларик муддатнинг бор, тила тилагингни, — дебди.

— Хизр бува, сизни менга Тангрининг ўзи етказди. Доим кечаш кундуда бир тилагим бор, — дебди ховлиниб қолган одам.

— Айт, иншооллоҳ, бажо бўлур...

— Менинг бир қўшним бор, шуни ўзимга ўхшатиб кўйсангиз бас, бола-қасаси ташлаб кетсин, эрта тонгдёй-букри, гилайга айлансан. Азобланганини бир кўрсам армоний йўк...

Кози хайратдан ёқаларини тутиби, бирок сирни очмабди: ишни охирига етказиш учун унинг қўшнисини кирибди: ва олдинга ташлаб кетарларига таърифлайди.

— Хизр бувахон, ўнимда бир қўшни бор, шунинг оғарини губорлардан тозалаб, ўргина эзги хис-сиятилар солсангиз... Токи у ҳам кувонч нима экланлигини билса. Бечора қўшним кўйналиб кетди, — дебди. Шунда Қози ўзини тутомай сирни очиб юборибди.

— У сизга ёмонлик истаса-ю, сиз... — деб кизишибди, хатто қозилиши ҳам хёлайдан кўтилариди.

— Мен ёмон тилак, ёмон ишлар билан яши олмайман, ўзим кўйналиб кетаман. Райхон, жамбилилар уфуриг ётган манзилда ўтирангизида қанака бўлаласи-у, сасик алаф ичада ўтирангизи ўзингизни қандай хис-этасиз? Е блок ўйдайди қанака хаво-ю, балчик ичада қандай? Е ёмонлик ҳам одамнинг аввал ўзини, қалбини, киёфасини заҳарлайди, мен шунинг учун ҳам ҳеч кимга ёмонлик истасайман, — деган экан чехраси кундай одам...

Саҳифани Кутлибека РАХИМБОЕВА тайёрлади





Дунё аслида ҳайратлар силсилади-дан иборат. Илк бор кўз очган лахза-мизданоқ раңгин олам манзаралари жажки юрагимизда ҳайрат ўйғотади. Ўсб-улганимиз сари эса бизни ҳай-ратлантирган аъмоллар одатий ҳолга айланиси бораверида. Ҳаяконларимиз соҳиб, соҳиб, соҳиб уриб, кўнгил кенг-ликларида юз очаверади. Үндсан кўнгил асло бемайди, кураш озор топмайди. Аксинча, қалбингизнинг ёнг корону хил-ватларни ҳам бир катим нур ила ёритади. Андухлар вуҳудинги тарк этиб, дилингиз юксак фараҳларда сузади. Шу онда беихтиёр санъат асирига айланасиз.

Рақс санъати ҳам шундай. Юракларни сел қиливчи наво-лар измида хиром эттаётган рақсосанинг бетакор ҳара-катларини тавсифлашга сўз топломай қйналасиз. У мисоли фусункор Кўхинур олмо-сидеек жилоланиб, сизни сех-рлади...

Ўзбекистон ҳалқ артисти

нумга уч ўйл бўлди. Ушбу мактабни таш-қил этиш фикри туғилганда, бойлик ортириши ҳаёлнига ҳам келмаган. Мен бу борада нимайки қилаётган бўлсам, са-нъатимизнинг эртанги давомчилари учун қилаётиман. Менинг мактабимда таҳсил олаётган қизалоклар ичидан миллий рақ-сизимизнинг иктидорли намояндалари ети-шиб чикса, улар Малика Ахмедова рақс мактабида таҳсил олғанмиз, дейиша,

— Санъатимизнинг бошқа фидойила-ри қатори мен ҳам жуда кўп мамлакатларда бўлганиман. Япония, АҚШ, Фран-ция, Миср, Араб мамлакатлари, Туркия ва Мароқашда рақсларимни намойиш эттаниман. Хориж мамлакатларининг қай бирида бўлмайлик, томошибинлар жу-да катта олкишлар билан кутиб олишган. Ўзбек рақсларининг ўта жозибали ва нағислигига тан беришган. Умуман,

САЙРАМНИ СОҒИНГАН МАЛИКА

Малика Ахмедова ҳам саҳнага чиққанида олмосдек товланиб, камалакдек жилоланиди. У хи-ром айлганда дилингизга ху-зурбаш шаффофилик инъом этади, тизигиниз ҳаёлларин-гизи ўзқ-узокларга етакла-йди. Рақс маликаси билан бўлган сұхбатимизни биз узоқдан, машҳур санъаткор-нинг беғубор болалик йиля-ридан бослади.

— **Малика опа, ўзбек миллий санъатида ўз мактабини яратган санъаткорсиз. Айтинг-чи, эл суйганд Малика Ахмедова бо-лалигини ҳеч кўмсайдими?**

— Дунё ичра гўзал бир дунё бўлган болаликини ким ҳам согинмайди, дейисиз.

Базан ҳаяконлар менинг беихтиёр ўшал сехрли дунёга олиб кетади. Энди мен ши-рин хотираларга айланаб қолган бола-ликинг майсум, беғубор дамларини кўп ёдга оламан... Ҳозир ўзимга муносабатни қандай бўлса, ёшлидаги Маликага нисбатан ҳам худди шундай.

— **Ҳар қандай килинажак иш орти-да шахсий манфаатдорлик бўллади. Малика опа ҳам рақс мактабини очиб бойиб кетди, дейиши мумкинми?**

— Нафис рақс мактаби ташкил этга-

шунинг ўзи кифоя.

— **Кизингиз ҳам рақс тушади деб эшитганимиз. Демак, у ҳам она изи-дан борар экан-да?**

— Қизим Ҳадича ёшлигиданоқ рақс ту-шишини жуда күш кўради. У ҳозир Шар-қунослик институтининг иккичини боски-чида ўқимоқда, Лекин севимли машгулу-тини сирая ташлаб кўйиган йўк.

— **Раққосаларимиз орасида маш-хурлики истовчилар кўп. Лекин бун-га эришиши ҳаммага ҳам насиб қиль-майди. Айтинг-чи, санъатдаги маш-хурликининг ўзига хос сиру-синоати борми?**

— Ташкидингиз ўринли. Нафакат са-нъатда, балки бошқа соҳаларда ҳам до-имо биринчиликка интильувчilar кўп. Бу-ни табиият ҳол деб тушуниш керак. Рақо-бат, интилиш бўлган жойда янгилик, яра-тувчанлик бўлади. Барча соҳада бўлга-нидек, санъатда ҳам донг тартишнинг њеч ҳандай сири йўк. Тинимиз изланишлар, машқатлар эвазига катта мувффак-къялтилар кўлга кириши мумкин.

— **Хизмат сафари юзашдан кўллаб жориий давлатларда бўлгансиз. Сиз-нинг ижрониздаги ўзбек миллий рақ-слари океан ортида ҳам шуҳрат топ-ган. Айтинг-чи, чет элларда санъати-мизни қандай тушунишади?**

улар ўзбек санъатини қадрлашади.

— **Санъатимизнинг бугунги, эрта-си хусусида нима деб оласиз?**

— Мен рақс санъати билан элга Ма-лика Ахмедова бўлиб танилдим, хурмат топдим. Шундай экан, бу йўлни та-лангидан афсуслансан, ношукурлик бў-лади.

Санъатимизнинг йўли ойдин, келажа-ги порлок. Унинг янада равнақ топиши-га сирай шубҳа, гумон кимлапин. Шо-гиридим Робиябегим Бердиёрованинг илк рақсларни кўриб, ич-ичимдан севи-наман, шу қизалоклар келажакда ўзбек миллий санъатини янада юксалтиришига астойдил ишонаман. Ва мен ҳам бу йўл-да бор имкониятимни, меҳнатими ая-маймади.

— **Муштарилиларимиз туғилиб ўсган юрtingиз, ота-онангиз ҳақида ёдингизда сакланлилор көлган хотира-лар билан танишишина истайдилар.**
— Корли чўқилари булатларга қадар чўзилган, пурвикор тоглар бағрида жойлашган. Сайрам (Чимкент) қишлоғига туғилиб ўстанман. Ота-онам, худо раҳ-мат қилисан, ўқитувчи бўлишган. Илк бор рақс мактабига дадам кўлимидан етак-лаб олиб боргандилар. Мен ҳар гал рақс тушганимда уларнинг кўлларидан севинч ёшларни кўрардим. Энди ул лахзарларни согиниб, юрагим ўртанди...

Улубек ЖУМАЕВ сұхбатлаши

СИЗ УЛАРНИ ТАНИЙСИЗ

• ҲАЗИЛ

урдим, ўзини" кари то-вук"деб ҳақоратладим. Айтган йўлига юрмадим. Янам билмадим. Ҳозир тоғанинг вақти тифиз. Ҳар бир дақиқани олтин баробар ҳи-соблайдиган тоғамнинг шу кунларда иши кўпайган. Тоғамнинг ҳусусий корхонаси бутун дунё билан бўлгана-яти. Пулдан пул топтапти".

Беихтиёр Йўлчининг ёдига тоғасининг айтган гаплари тоғида. "Пул ҳамма нар-саннинг отаси,— деб таъкидларди Мирзакаримбай.— Пул белга кувват, бошга тоҳ, пулдор одам — канотли одам, бу канот билан Мар-рибдан Машриқкача учасан, ҳар ерда ошна-оғайни, дўст-ёр топасан".

Мен галварс бойнинг шу гапларига амал қилмадим. Тоғам бўла турбি, уни ҳақоратладим. Петровларга кўшилиб, йўлдан тойдим. Бирим иккى бўлмади. Эзис умр. Мана тоғам оқланиб чиқди. Кўша-кўша машинали бўлди. Яна шаҳардан коттеж сотиб олди. Агар тоғам истаса са-молёт ҳам олишга курби етади.

Тоғам кўп доно одам эканда. Сой-сойга оқар, бой-бо-йга бокар деб кўп айтгувчи эди. Мана айтганларни ҳақи-қат бўлиб чиқди".

Йўлчи зилдай кетмённи алам билан кўлига олиб, ер чопишга тушиб кетди. Бирордан кейин Йўлчи қорни очи-гина сеиди. Офтоб тиккага келган бўлса-да тушликдан дарак йўқ эди. У ишдан тұх-таб баданидан сувдай оқа-ётган терни белбоги билан артишга тушди. Сўнг бир зум

кўзларини юмди. Ҳаёл уни ўз оғушига олди. Унинг кўз олдига Гулнор эмас, ўша тантик ва шадод Нури келди. "Агар Нурига ўйланганимда бу азобларга гириф-тор бўлмасдим"— деган фикр Йўлчининг ҳаёллини банд этди.

Офтоб эса борлики то-бора кизидирди.

ГУЛНОРНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Бозорда киссавурларга

пулини олдириб кўйган Гулнор Йўлчини кўрди-ю йиглаб юборди.

— Йўлчи ака, нега ава-бозордаги ўғри-каззобларни ер ютмайди. Қачонгача уларнинг ошиғи олни турвава-ди? Қачонгача биз бева-бечораларни талашади?

— Ҳафа бўлма, Гулнор. Уларни ер ютди, ютмаса зўрлаб ютирамиз, — деди Йўлчи аламдан муштини ту-ги.

СОЛИХБОЙНИНГ ТАКЛИФИ

Ресторонда хизмат-корлик қилиб юрган Фо-ғир Солиҳбойнинг бир гурӯҳ аёллар ўртасида шакаргүфтотлик қилиб ўтирганини кўриб, ўзини четга олмоқчи бўлди. Аммо Солиҳбой уни ку-затиб турган эканми, Фо-ғирни чакириб колди.

— Ҳа, Фоғир, нега бой отангдан ўзингни олиб қочяпсан? Якинда ўзим сенга Бельгия пальтоси-дан олиб бераман. Ичкиликка тобинг қалай? Рус ароғиданни ёки "На-полеон", конъягиданни? Халиям ичмайсанми? Ўзинг биласан. Ҳа,

айтмоқчи. Ўйландингми? Йўк, дейсанми? Майли, ўтган ишга саловат. Ҳўп, десанг, Фоғуржон ўллим, яна сенга яхшили қиласай. Мана бу ўтирганларнинг бирортасини танла. Ҳозирнинг ўзида шу ерда тўйни бошлаб юборамиз. Қарз узилади, хотин ёнга колади. Агар узомла-санг уч-тўрт йил ишлаб бера-рсан. У-буни кўй, хотин-лик бўлиб қолаётганинга шукур қилмайсанми, бачча-бар.

Солиҳбойнинг охирги суз-лари аёлларга маъқул келди шекили, бараварига кулиб юбориши. Бирок Фоғирнинг муштлари туплиб, куз-ларидан ўт ҷаңагандай бўлди.

— Бой ота, оппоқ соколин-

ги билан шу гапларни айтга-

ни уламидигизми? Мен ке-ли-келиб ҳасратимни сизга айтдимми? Билиб кўйинг, мен ўла-უлганимча ўша мухаббатим билан яшайман.

Сўнг Солиҳбоя бир

ёвқараш қилиб "Кари кўй-

илмаган чол", деди-да терс ўғирилиб орқасига қайди.

ЖАМИЛАНИНГ БАХТИ ОЧИЛДИ

Хонзода Жамилани бойхон-тинликка кўндириш билан овора.

— Намунча Сибирия, Си-бирия деб алаҳисираб қолдинг. Фоғир энди сибирик бўлиб кетди. Ҳозир у томон-ларга поезд катнамай кўйган. Яна йўл ҳақига доллар та-лаб килиштаётганиши. Энди тақдирга тан бершига маж-бурсан. Фоғурни унугт. Бойга турмушга чиқиб, Бойхотин бўлиб юравермайсанми? Бокиманда бўламан дейсанми? Ҳали ишга ҳам кирмокчими-сан? Ўзинг биласан. Тўйдан кейин бой отанинг ўзи ишга жойлаштиради. Ҳамма жой-ларда танишилари. Ҳамма жой-ларда сакраше-на кетапти.

Жамила узок вақт сукут сақлади. Хонзода буни ро-зилик аломати деб билди ва Солиҳбоядан суюнчи олгани шошилди.

Махмуд МАРДИЕВ

• Фойдали маслаҳатлар

БЕҲИ-ЖОННИНГ РОҲАТИ

Беҳи жуда қадимий мева дараҳтларидан бўлиб, ватани Эрон, Кавказ, Туркия мамлакатлариdir.

Ватанимизда беҳининг 20 навиетиштирилади. Бу мева шифобаҳшигидан ташқари консерва саноати учун энг яхши хом ашё ҳам ҳисобланади. Саноатда ундан қиём тайёрланиб, нектар олинади. Таркибида 75-80 фоиз сув, 8-15 фоиз шакар мoddаси, 0,2 фоиз дан ° 1,5 фоизгача А, Д, С витаминлари мавжуд. Таркибида витаминларниг кўплиги жиҳатидан беҳи олма,

нок ва олчадан афзалроқдир. Кислотага бойликда эса лимонга яқин турди.

Абу Али ибн Сино беҳининг шифобаҳшиги тўғрисида қўйидагиларни айтиб ўтган: «... чўқقا кўмилган беҳи енгилроқ ва фойдалроқ бўлади. У шундай пиширилади: ичига асал солиб, устига лой чаплаб кўрга кўмилади.

Беҳи терлашни тўхтатади...

... Беҳининг сиқиб олинган шарбати «тикка нафас олиши» ва астмада фойдалидир. У қон туфлашни

ҳам тўхтатади. Уруги эса томоқ қирилишида фойда қилади ва ўтика найнин юмшатади, шиллиги ҳам ўтика найнин юмшатади.

... Беҳи қусишини тўхтатишида фойда қилади, чанқовни босади, меъданни кучайтиради, жуда ҳам камайган шитаҳани кучайтириш учун беҳидан шарбат тайёрланади. Бу шарбат яна меъданни кучайтириб, балганини ҳам тўхтатади...

Б. Эназаров тайёрлади



ТАБРИКЛАЙМИЗ

Хурматли Инқилоб
Турсунновна!

Республика Болалар жамғармаси ҳамда «Оила ва жамият» газетаси таҳририяти жамоалари сизни түғилган кунининг билан чин дилдан қулгайди. Сизга соғлиқ, ойлантизга тутувлик тилаймиз! Истагимиз Болалар жамғармаси томонидан ўтказилидиган кўпдан-кўп эзгу ишларга бош-қош бўлиб, юртимиз келажаги бўлган бо僚онларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга муносаб улуш кўшаверинг.

Үёлмиз Темурбек!

З ёшин билан чин қалдан табриклиймиз. Сенга узоқ умр, соғлиқ, улгайиб ҳалқимизга асл ўғлон бўлишингни тилаймиз,

Носир ва Махсум Азизовлар

Учун ва Марҳабо!

Никоҳ тўйларингиз муборак! Бахтили бўлиб, кўша қаринглар. Жажжи фарзандларингиз атрофинингизда парвона бўлсин,

Худойберди, Ўлжабой Нурота.

Фахридин Эшдавлатов! Сени 6 ав-

густ түғилган кунинг билан чин қалдан муборакбод этаман ва баҳт-саодат тилайман.

Дилфуз Нормуродова.

Муҳтарама ҳамкашимииз ДИЛАФРУЗ-ХОН! Сизни таваллуд айёмингиз билан чин қалбимиздан табриклиймиз. Бошингиздан баҳт-икబол кўёши аримасин. Ҳар бир ота-жак тонг сиз учун кувонч олиб келсин.

«Оила ва жамият» газетаси жамоаси

Асал қизим

Шаҳнозаой ва тур-

муш ўртоғим Гулсо-

рахон! Сизларни

таваллуд айёмингиз

билан муборакбод

этаман. Бахтилага доимо соғ бўлинг-лар.



Эркин

Фарзандимиз Мехрбекни 8 август — түғилган куни билан қутлаймиз. Боши узра тиниқ осмон, порлоқ келажак ҳамда фақат «аъло» баҳоларга ўқишини тилаймиз деб, ота-онаси ва уқалари

Сирдарё тумани

Оиласизнинг кувончи бўлган азиз жиянларимиз, Севараҳонн 4 июль, Нодираҳонни 21 июль, Юлдузхонни 17 август, ҳамда Сарварбекни 26 август түғилган кунлари билан табриклиймиз.

Маматхўжаева Мавлуда

Хурматли жиянларим Чорибек ва Муборакхон ҳамда Зухриддин ва Саодатхон! Сизларни 12 август оқшомида бўладиган ҳаётингиздаги энг кувончили кун — висол тўйларингиз билан чин қалдан қутлаб, сизларга боқий умр, сиҳат-саломатлик ва баҳт тилайман.

Уқангиз Зайнилобиддин
Тошкент шаҳри

ДЕРДА

БИЗНЕС НИМАДАН
БОШЛАНАДИ?

Мана бир неча йилдирки, Ереван шаҳри кўчаларида телефон-автоматларни учратмайсиз. У ер, бу ерга телефон қилиб олишни хоҳловчилар эса бисёр. Буни яхши англаган бир ишбайлармон жаноб ўйдаги телефон аппаратининг симини узайтириб, кўчага ўнатиб кўди. 25 драм (300 росия рублига тенг) эвазига шахарнинг хоҳлаган жойига қўнфироқ қилиш мумкин.

ЧИПТАНГ БЎЛМАСА,
ОЁҚҚА ҚИЙИН

Нижний Новгород шахридаги 22-маршрутли такси автобуси ҳайдовчилари чиптасиз йўловчиларга қарши курашнинг антиқа усулини ўйлаб топдилар. Улар Ока дарёси устига боргандаги автобусни тўхтатиб чипта текширишади. Чиптасизлар эса автобусдан тушириб ўборилади. Бу ердан энг яқин бекаттагча бўлган масофа бир километрдан ошироқ. Ушбу усул ўзининг яхши самарасини бермоқда, чиптасиз йўловчилар сони кескин камайди.

ТАҚДИР ҲАЗИЛИМИ
ЁКИ...

Бошқирдистон давлат аграр университетида ўқитувчи бўлиб ишлайдиган жаноб бир кунда учта тишидан ажralди. У тиши оғригига чидолмай поликлиника борганди, врач адашиб соғ тишини олиб ташлади. У бир неча соатдан кейин қайтиб келиб, ҳақиқий касалланган тишини сургуттирди. Уйига қайтаётib эса бир тўда безориларга дуч келди. Муштлашув чоғида яна бир тиши синди.

ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИНГ
ОҚИБАТИ

Ширакайф ҳолда машина рулини бошқариб юрган шоғёrlар Вологда учун одатдаги ҳолат ҳисобланади. Ҳатто кейинги пайтларда уларга милиция ҳам эътибор бермай қўйанди. Бекор қилишган экан. Яқинда масти ҳолда машина ҳайдаб бораётганлардан бири қарама-қарши йўналишга ўтиб кетиб «Жигули»га бориб урилди. «Жигули» Череповец шаҳар ИИБга қарашли бўлиб, ундағи милиция майори ҳалок бўлди, уч нафар мишиб оғир ахволда касалхонага ётқизилди.

ВИСОЦКИЙГА
ЁДГОРЛИК

Москвадаги Страстний номли хиёбонда машҳур қўшиқчи, театр ва кино артисти Владимир Висоцкийга бронзадан ҳайкал ўрнатилди. Худди шундай ёдгорлик анча илгари унинг Ваганков қабристонидаги мозори устига ҳам кўйилган эди.

Ҳайкалнинг очилиш маросимида ҳаётдан эрта кетган ажойиб инсон ҳақида дил сўзлари янгради, унинг қушиқлари ижро этилди.

Хорижий матбуот
хабарлари
асосида тайёрланди

Кейнинг йилларда Ўзбекистон ҳакамарининг маҳорати ҳар томонлама ўди, вакилларимиз 12 Осиё уйинларида, кўпкаб Ҳалқаро турнирларда уйинларни аъло баҳоларга туказдилар, уларнинг энг омадилари ФИФА ҳаками уйонига сазовор бўдилар. Шу кунга келиб энг яхши ҳакамларинг Осиё чемпионатлари, Олимпиада уйинлари саралаш учрашувларига таклиф этилиши фикримизнинг далилларид.

Шоли курмаксиз бўлмайди, деганларидек, афуски орамизда фақат ўз жигидонни уйлайдиган ҳакамлар ҳам чиқиб қолади. Узоқка бориб утирий яқиндаги воқеаларга мурожаат этайлик. 1995 йил 14 май куни Фарғонадаги «Спартак» стадионида «Нефти» билан «Пахтакор» учрашди, бир томондан «Нефти»нинг ҳозирги кунда мамлакатнинг энг кучли командаси эканлиги, иккичи томондан «Пахтакор»нинг ўз шуҳратини тиклаш йўлудаги сайд-ҳаракатлари ижобий натижаси берадётганилиги ушбу йўнинг бўлган кизиқишини яна ҳам кучайтириб юборди.

«Пахтакор» командаси Фарғонага жўнаб кетиши олдидан Аброр ёнимга келиб қўйидири Фиркин билдири: «Ўйинда ким голиб чиқиши мумкинлигини биломайман, ҳар ҳолда биз галаба учун қаттиқ қураш олиб борамиз. Лекин мен бир нарсани олдиндан айтиб қўйишим мумкин, «Нефти» командасидан «Пахтакор»га ўтган ҳар бир йўнинчи учрашув ҳакамидан албатта огоҳлантириш олади, майдон эгаларига эса сариқ карточка курслатмайди. Буни ўзингиз кўриб кейин фикр юритарсиз».

Учрашув тез суръатларда ўтиб, қизарли воқеаларга ниҳоятда бой бўлиб 1:1 хисобида якунланди, икака команда биттадан очкони кўлга кириди. Лекин бу ерда гап ўйин натижаси устида эмас, балки яқиндагина ФИФА ҳаками бўлган бир ҳакамнинг янги «ихтиро»си ҳакида боради. Маълумки, «Нефти» командаси аъзоларидан Равшан Бозоров, Александр Тихонов, Рустам Дўрумновлар масум бошланishi арафасида «Пахтакор» сафига таклиф этилган эдилар. Ҳакам аввалдан тайёрланган сценарий асосида иш олиб бориб муҳлислар кўзи олдида айнан ўша

«Футбол — қувончим, дардим, фахрим»

ҲАКАМ НОЛОК БЎЛСА

уйинчиларни жазолашни режалаштириди.

Ўйин бошланши биланок Бозоров кетма-кет икки марта чалиб йиқитилди, бунинг учун ҳеч ким жазоламади. Бозоров ҳам шундай ҳаракат қилган чогида унинг рўпарасида яшин тезлигида сариқ карточка пайдо булади. Тихонов жарима тўпини тепмоқчи бўлиб, сўнг уни Рузимовга топширади... ва бунинг учун сариқ карточка билан «тақдирланаади». Дўрмонов ва Маргуфа лиевларни хуштак чалингандан сўнг тўпни тириб юборгани учун сариқ карточка оладилар.

Баъзи бир муҳлислар ҳакам принципиалик қилиби, бунга қойил қолиш кепрак деб ўйлашлари мумкин. Лекин, минг афуски, бу принципиалик фақатгина бир томонлама бўлди, фактларга мурожаат қиласиди: Федоров майдон маркази яқинидаги Дўрмоновни чалиб йиқитиди — ҳакам буни кўрмайди. Лебедев тўпни ушлаб ётган дарвазабон Бугалонинг устидан босиб ўтиб кетади — хуштак чалинмайди, Завалюк ёш хужумчи Назаровнинг башарасига мушт билан туширади — хуштак чалинмайди. Ўз-ўзидан савол тугилади — қани ўша биз айтган принципиалик!

Учрашув ҳакамига ҳақиқатан ҳам қўйил колиш керак, у бир йўиннинг ўзидаёт учхил вазифани аъло даражада уddaлади:

— «Нефти»дан кетиб қолган йўинчи-



ларни қандай жазолашими кўриб қўйинглар (қизиқ, бир вақтлари Микляев, Тихонов, Асад Дўрмонов, Ивангородский, Волков «Пахтакор» командасидан «Нефти»га ўтиб кетганларида бундай гаплар бўлмаганди);

— Билиб қўйинглар, мен фақат меҳмонларни жаоза олдим, майдон эгалари эса бундай мустасно;

— Бозоров, Тихонов, Маъруфалиевлар шу кунгача биттадан сариқ карточка олишган, демак мен уларга яна сариқ карточкаларни кўрсатсан, улар «Пахтакор»—«Нурафшон» ўйинида майдонга тушмайдилар, демак мен кимларнингдир тегирмонига сув куяман;

Ўйин якунланди, ҳакамлар хонага кирагч, «моҳир ҳакам»нинг миёсида ялт этиб янги савол пайдо бўлиб қолди. Ахир Дўрмоновда фақатгина битта огоҳлантириш бор-ку, сценарий бўйича эса у «Пахтакор»—«Нурафшон» ўйинида иштирок этимаслиги лозим, бу дакиқаларда мухтаран ҳакамимиз яна бир «ижод» намунасини кўрсатди. У шу ернинг ўзида юзбекистон футбол федерациясининг назорат кўмитасига рапорт ёди, гёй Дўрмонов ўйин вақтида ҳакамни ҳақорат қилган эмиш. Агар кўмита рапортни тўрги деб топса, ундуз ҳолатда бу футболчи навбатдаги ўйинда майдонга тушмай, унда

ҳакам ёнгил нафас олган бўларди. Назорат кўмитасида ҳалол, покиза, фидойи кишилар хизмат қилаёттанилиги барчага маълумдир. Улар ҳакамнинг найранганини билиб унинг рапортини бекор деб ёзлон қилилар.

Хуш, айтайлик, ҳақиқатан ҳам Дўрмонов ҳакамни ҳақорат қилган бўлсин, у ҳолда ҳакам нега ўйинчига аввал иккичи сариқ карточка, кейин қўзил карточка кўрсатиб уни майдондан ҳайдаб юбормади. Менимча, уни бу ерда виждан азоби қўйнаб кўйди.

Ўз-ўзидан савол туғилиши мумкин, ҳуши назоратчи-ҳакам бундай вазиятда қандай йўл тутди? Биз бу ерда «Қарға қарғанинг кўзини чўкимайди» деган ҳали мақолини эслашмиз кифоя. Энг обруёли назоратчи-ҳакамларимиздан бирни бўлиб келган Сергей Мурунов ҳам бу ерда ожизлик қилди, у ҳакам хатти-ҳаракатини 8,5 (!) балиб билан баҳолади. Шу ерга келганда «Эй, оғарин Сизларга! деб хитоб қилишимиздан бошқа иложимиз йўк.

Одатда Ўзбекистон футбол федерацияси энг кучли командаларнинг ўзаро учрашувига назоратчи-ҳакамдан ташҳари комиссар ҳам тайинлайди, комиссар эса узоқ вақт ҳакамлиқ қилиб катта тажриба тўплаган мутахассис булиши лозим. Ушбу йўиннинг комиссари эса ҳаётчи бирон марта ҳам на ҳакам, на назоратчи-ҳакам бўлмаган Шавкат Усмонов эди...

Ҳакамнинг бундай найрангблозлиги, фақатгина бир томондан қоида бузилишини сезиз, иккичинисининг айнан шундай харакатларини кўрмай қолиши, аввалдан тайёрланган сценарий билан иш олиб бориши ҳеч вақт ўзбек футболига шуҳрат келтирмайди. Биз жаҳон футболига кириб борар эканмиз, ҳар бир хатти-ҳаракатимиз ҳам ушнага мос тушиши, ҳар томонлама ҳалол ўйинлар кўрсатишмиз лозим. Токи ўйинларни кўргани келган мұхтарам мұхлисларимиз күдди театрдан яхши бир спектаклини кўриб чиқаётган томошабин сингари стадионлардан завқ-шавқга тўлган ҳолда яхши кайфият билан чиқсинлар. Футбол уларга фақатгина шодлик, хуррамлик, қувонч, баҳт-саодат улашадиган бўлсин.

Ахбор Имомхўжаев

ХАФСАЛА

Яқинда Амир Темур хиёбонидаги «Мехрён» болалар бордик. Бог жуда салқин, ҳуҳчаво экан. Фаворалар ўйноклаб сув сочади. Болаларимизнинг чиқишини айтмайсизми. Бирор аргим-чиқ учган, яна бирақ қайинда сугзан, тоғай миниб ўйргардиган. Муздақини шинни сун ичиб, музқаймоп ялаб роса ўйнаб кулишиди. Фаворага кўш нури тегиг камалак ҳосил бўлганидан олхўридик думалоқ кўзларини чакнатгандаричи.

Мен эса гўёки бундай шукухлийларга минг йил келмагандек одамларга, болаларга туйиб-туйиб қарайман. — Дадаси, тез-тез келиб турсак бўларкан, гўдакларни йил-унки ой каталаска қамамай, — дедим.

— Ҳа, бунга ҳафсала керак, — деб қўйидири куши.

Шу гандан кейин хаёл мени ўн йиллар нарига олиб кетди...

Этра баҳорнинг чакмокли, серёмгир куни эди. Бизнисига қаршилик ўзувчи Норкул ака аёли билан меҳмон бўлиб келишиди. Улфат чор—андна маза бор, деганларидек гап-гурнумиз жуда кизиди. Бир маҳал:

— Келинглар, сизларни кинога олиб тушай, — деб қолдилар Норкул ака.

Чакмок билан менга нима бор, десмадан олиб ойлик ўглимни ўйргаклар дарров тайёр бўлдим. Ўйдах ўхайян билан шартлашдик: кино залигана чиши, кино пайти мен қарайман болага.

Ўйкуга мириқкан бола айни кино бошланганди ўйонди-олди. Бир болага қарайман, бир кинога. Хуллас, киногам та-тимиди.

Орадан анча вақт ўтиб гуржиларнинг «Тазарру» фильмни кўп шов-шувлар билан «Санжат Сарой»да қўйила бошланди. Ҳужайинин иккичи кун чонавтада туриб инкита билет олиб келдилар. Ҳавас, иштиёқ катта-дат, айтмабманни: «Дадаси, бирор жўрангиз билан борақолни. Мен болаларга қараб уйда қоламан», — деб.

Ўн ойлик қизамизни у киши кўтарилилар, уч яшар ўглимизни мен етакла-

• Соғлом ва гўзал бўлай десангиз

15. ПАСЧИМОТТАНАСАН

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Гилам ёки оддёла оқёларингизни олдинга узатиб ўтиринг. Иккала оғингизиз ва уларнинг бош бармоқлариди ни жуфт тутинг. Қўулларингизни олдинга чиқариб, чукур нафас олинг. Тула нафас чиқаринг ва нафас олмай. Олдинга эгилинг. Оқёларингиз ўнналишида қўулларингизни узатинг ва ўнг қўлингиз билан ўнг оғингизиз бош бармогини, ҳамда чап қўлингиз билан чап оғингизнинг бош бармогини ўшланг. Қорнингизни ичта тортинг. Бошингиз ёки бурнинизни тиззалингизга теккизишга ҳаракат қилинг. Бу ҳаракатни бажараёттанди бурнингиз ёки бошингизни тиззалингизни устида дам олдиринг. Бир неча сония мана шундай туринг. Тиззалингизни кутарилиб кетмаслигига эътибор беринг. Нафас олаётуб, секинаста туринг. Шавасан ҳолатиди даироз изиб деб ўтиб дам олинг.

Сиз бу асандан кейин Чакрасан ёки Супта Важрасанни бажаринг.

ФОЙДАЛАРИ: Пасчимоттансасан тана орқа қисмининг Гулжоҳон МАРДОНОВА

кучли ва эгилувчан булишига жуда катта кета. Тиззалингизни ичти томони ҳам букилувчан бўлади. Орқа мия бутунлай ҳаракатланади. Барча букилиши кийин жойлар ҳам ишга тушади. У қарипшдан сақлайди ва қарияларни ёшпаририб, ёшлиқдаги куч-кувватни беради. Йўтон нервлардаги ва белдаги оғриқни даволайди. У жигар, талоқ, корин, ичаклар ва бавосил касалликларини ҳам даволашга ёрдам беради. Шунингдек, у жинсий муаммолар, сийдик касаллиги, шаҳвоний ҳаёллар ва аёллардаги лукерия касаллигига ижобий таъсир курслади.



ДҮППИ ТАГИДАГИ ОДАМ

(шингил ҳажвия)

Үй билан битта жой қилинган. Бир этак бола. Бирин иккинчисининг қорнига бош қўйиб, пишиллаб ухлаб ётилти.

Эр — ота уйнинг нариги чеккасида.

Она — бека бериги чеккада.

Эр йўталди, хотин сезмади. Бошини кутарди, билмади.

Болаларининг оёқ томонидан эмаклаб бориб, аёлини секин туртди.

— Ҳам-м, — деди хотин уйқудан куз очмай. — Қайсинг бу? Оёқ тарафингда, тоқчадаги чойнакда сув бор. Ичгинда овозингни учир.

Эр яна тургади.

— Ҳм, дейман. — Яна нима? Заҳар танг қилган бўлса, отангни уйғот.

— Бу мен, — деди тоқати ток бўлган эр.

— Сизга нима? Ухлаттани қўясизларми, йўқми?

— Ҳалиги... Душпимни қаерга қўювдинг! Тонг ёришиб қопти. Ҳалиги...

— Ҳах, энди кўзим илингтан экана. Шу битта душиниям тополмайди. Эр-қақларданам беттар ношуд халқ булмайди узи. Мана, ушлан!

— ... Узинг турмайсанми?

— Худо хайрингизни бергур, меним жоним жон, савил эмас.

— Шунинг учун турғин, дедимда. — Э-э, боринг-е!

Эр тунгилаганча урнига чузилиб, алам билан уй сурib кетди.

— Бир хилларнинг хотини кўз қарашидан, йуталишидан билар экан нима демокчилитини. Шунча йил берига яшаб, душпи дессанг, душпини тушунади-я, оварс. Душпини сураган одамнинг ҳам бирор дарди бордир, деб сурамайдиз, товуқ мия. Болалар уйғонмасин дедимда. Бўлмаса куннингни кўрсатиб қўяр эдиму, — деб узини овугди дуппи тагидаги одам.

Абдурахмон ЖУРА

ХАНДАЛАР

— Уйланганлар уйланмаганларга қарагандан узоқ яшайди дейишиди. Шу ростми?

— Йўқ, уларга умр узоқдай туюлади, холос.

— Менинг хотиним жуда мохир чеварда! Эски кўйлакдан менга галстук тикиб берди.

— Шу ҳам маҳоратми? Менинг хотиним эски галстукдан кўйлак тикиб берган.

— Эшитдингми, Тошмат уйланибди. Хотини тўрт тилни билармиш.

— Вой бечора! Емон булибди-ку!

— Нега энди?

— Менинг хотиним фақат бир тилни билади. Лекин шунда ҳам тинкамни куритиб юборади.

— Хотиним озишни хоҷлаб, нуқул отда юришни машқ қиласяпти.

— Ҳуш, натижা қандай?

— Хозирча от 10 килограммга озибди.

Хотин эрининг шимини тутгасини қадаётуб депти:

— Эркакларга ҳайронсан. Ақалини шиммингизнинг тутгасини қадоммайсизлар. Хотинлар бўлмаса нима қиласардинглар?

— Э, хотингжон, хотинлар бўлмаса тутгасини ҳам кераги бўлмас эди.

— Салима, сен мени севасанми? — деб суради йигит таниш қизидан.

— Ҳа, албатта!

— Унрай бўлса эртага ЗАГСга келсанг. Биз Ҳалима билан никоҳдан ўтмоқчи эдик. Гувоҳ бўласан.

ШИЛДИНИ ЛУЧАПИ

Актриса — шолига тузилган акт

Безаҳмат — Аҳмат без

Битмас — ичиб олган бит

Вергул — гулга шон

Девон — у дев

Дуо — иккита о

Дилпора — дилдан берилган пора

Зарядли — заҳарли зар

Закот — мушук учун

Куртак — шундай товуқ

Калит — кал им

Поймол — молнинг оёғи

Полиз — ярим из

Кунжара — жазира ма кун

Эгов — э, гов

Янада — мен керакманни.

И. З. БУХОРИЙ

СЕЗМАДИНГМИ?

Нега номинг килдим достон

Эй ёр, сезмадингми?

Сени курсам тополмасман

Қарор, сезмадингми?

Сафо ОЧИЛнинг «Сезмадингми?» шеъридан

Кўлда балиқ овладим, сезмадингми,
Чўнгагингни ковладим, сезмадингми?
Ўсиб кетган соқолни устарамда
Ўриб олиб бовладим, сезмадингми?

Бурним тортдим ёнингда, сезмадингми,
Ва совкотдим ёнингда, сезмадингми?
Чўнтақдаги шишадан шароб қўйиб
Юзга отдим ёнингда, сезмадингми?

Тушунмасам гапингга, сезмадингми,
Лабим чўзсан лабингга, сезмадингми?
Мен-ку яшаб юрибман бу дунёда
Фақат сенинг нафиннга, сезмадингми?

Кўлда балиқ овладим, сезмадингми,
Чўнгагингни ковладим, сезмадингми?
Ўсиб кетган соқолни устарамда
Ўриб олиб бовладим, сезмадингми?

Абдураззок ОБРУЙ



Сўниги устун

ТИРИК ЭЛЕКТОРОСТАНЦИЯЛАР

Сув остида шундай ҳайвонлар ҳам яшайди, улар ўз танасидан электр энергияси ишлаб чиқарида. Скат, электр лакза ва электр илон айнан ана шундай баликлардир. Уларни ёч иккиланмай тирик электростанциялар деб аташ мумкин. Негаки, баъзан улар ишлаб чиқарган электр зарди шу қадар кучли буладики, ҳатто одамини ҳам ўлдириши мумкин.

ҚЎЙ ҮСИМЛИГИ

Янги Зеландияда «гастия» деб атадиган ажойиб үсимлик ўсади. Махалли аҳоли уни «қўй үсимлик» деб атайди. Бу бежиз эмас. Чунки узоқдан қараган одамга бу үсимлик қўйлар тұдасига ўхшаб кўринади.

КИММАТБАХО ШОХ

Россиянинг Қўргон вилоятида яшови бир киши Редус дарёси қирғогидан бугуннинг бош суюгини топиб олди. Үндаги шоҳларнинг узунлиги 2,5 метр булиб, бунақаси камдан кам учрайдиган ҳолдир. Топилма билан дарров вилоят улқашунослик музеи ходимлари қизиқиб қолишиц. Лекин ҳаваскор археолог билан тил топишиш осон бўлмаяпти. У бугуннинг бош чаноги учун бир неча миллион рубл сўраяти. «Агар музей мен айтган пулни беролмаса, аминманки, бу тошилма «янги руслар»дан бирор тасиғи ўйини бозаши мумкин», — демокда у.

ТУНДА ҲАМ КУНДУЗГИДЕК

Шанхайлик медиклардан тузилган нуғузли комиссия Чан исмли йигитчанинг кўзи гаройиб даражада ўтиклигини тасдиклиди. Чан корону хонада ҳам, зим-зийе кечаси ҳам худи кундузгидек кўра олади. Унинг ҳар жиҳатдан соглем эканлигини қайд этган медиклар, бу гайриоддий қобилятнинг сабабларини тушунириб беришига ожизлик қилишиц.

ҲАММА ГАП ПУСТЛОГИДА

Нима учун 1854 йилда Англияниг бир қатор ҳудудларида кенг тарқалган вабо касаллиги Герфордшир қишлоғини четлаб ўтганингига жавоб излаган олим Жон Раунд галати хуласага келиб. Бу қишлоқ кишилари мева етишириши ва олма шарбат тайёрлаш билан шугулланишган экан. Улар олманинг пустлогини арчимай ейишган. Натижада, пустлоқдаги витаминалар уларни даҳшатли касалликдан ҳимоя қилиб қолган экан.

МАНЗИЛМИЗ:

700078, Мустақиллик
майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Олим БЕКНАЗАР
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0361. 23566 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси
болалар жамғармаси ва «Софлом
авлод учун» Ҳалқаро ҳайрия
жамғармаси.